



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yildagi - mart

1204 -son

Bog‘ot shaharchasi

Тумандаги “Олтинкум Паррандаси” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонининг бир қисмини туман ер захира фондига қайтариб олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига асосан, “Олтинкум Паррандаси” фермер хўжалиги бошлиғи Э.Рўзибаевнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонининг бир қисмини туман ер захира фондига қайтариб олишни сўраб туман ҳокими номига ёзган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосаларини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги “Олтинкум Паррандаси” фермер хўжалиги бошлиғи Э.Рўзибаевнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларининг бир қисмидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги туман ҳокими номига ёзган сўровномасини инобатга олиб “Олтинкум Паррандаси” фермер хўжалиги билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномаси бекор қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Хоразм ҳудудидаги “Олтинкум Паррандаси” фермер хўжалигига ижарага ажратиб берилган 311, 313к, 325, 326, 327-контурлардаги жами 11,5 гектар, шундан 11,2 гектар экин ери, 0,3 гектар ариқ ва зовурлар остидаги ерлардан иборат бўлган ер майдони туман ер захира фондига қайтарилсин ва танловга қўйилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев) Хоразм ҳудудидаги “Олтинкум Паррандаси” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларининг бир қисмини қонунда белгиланган тартибда туман ер захира

фондига қайтарилишини ҳамда фермер хўжалиги ихтиёрида қолдирилган қишлоқ хўжалиги ер харитаси бўйича 95, 97, 98, 99, 103, 104, 105, 113, 114, 115, 116, 119, 121, 123, 124, 125, 128, 133, 137, 139, 143, 145, 147, 148, 149, 151, 152-контурлардаги жами 116,19 гектар, шундан 110,19 гектар экин ери, 4,0 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,5 гектар йўллар остидаги, 1,4 гектар қурилиш остидаги ерлар, 0,1 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан иборат бўлган ер майдони бўйича фермер хўжалиги раҳбари билан ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини қайта тузишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи



Ш.Яхшибаев